

Толаметова Зилола Абдижапаровна,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий
университети «Иқтисодиёт назарияси»
кафедраси доценти, иқтисод фандлари
номзоди

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА АҲОЛИНИНГ САМАРАЛИ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ТОЛАМЕТОВА З.А. ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА АҲОЛИНИНГ САМАРАЛИ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мақолада демографик жараёнлар ва уларнинг аҳолининг меҳнатда бандлигига таъсири, шунингдек, аҳолининг меҳнатда бандлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ёритилгани ҳолда, дунё миқёсидаги ишсизлик ва меҳнат ресурсларининг барқарор бўлмаган иш жойларида бандлиги каби муаммолар, Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари бандлигини таъминлаш борасида давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар баён этилган, шунингдек, аҳолини самарали меҳнатда бандлигини таъминлашнинг стратегик йўналишлари бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: меҳнатда бандлик, эгилувчан меҳнатда бандлик, анаънавий меҳнатда бандлик, ишсизлик, меҳнат биржалари.

ТОЛАМЕТОВА З.А. ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

В статье освещены демографические процессы и их влияние на занятость населения, а также сущность социально-экономической занятости населения, выявлены проблемы безработицы и занятости в мире, а также изложены меры, осуществляемые государством по поддержке занятости населения в Узбекистане, даны предложения по направлениям обеспечения занятости населения.

Ключевые слова: занятость, гибкая занятость, традиционная занятость, монетарная политика, биржи труда.

TOLAMETOVA Z.A. DEMOGRAPHIC PROCESSES AND ENSURING EFFECTIVE POPULATION EMPLOYMENT

There is described in the article demographic processes and their impact on employment, as well as the essence of the socio-economic employment of the population, problems of unemployment, as well as employment opportunities on the labor market in the Republic of Uzbekistan, as well as strategic areas solvency of employment.

Keywords: employment, flexible employment, traditional employment, labor exchanges.

Кириш. Меҳнат билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги улар иш жойлари билан таъминланганда, уни истеъмол қилиш бошланганда вужудга келади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Меҳнат билан бандлик барча меҳнатга қобилиятли шахслар, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этаётганлар, уларнинг иштирок этиш даражаси қандай эканлигини кўрсатиб беради. Ўзбекистон Республикасида 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган ва ундан катта ёшдаги жисмоний ҳамда руҳан соғлом бўлиб, меҳнат фаолиятида қатнашаётган аҳоли гуруҳлари бандлик таркибига киради. Ўзбекистонда пенсияга чиқиш ёши эркеклар учун 60 ёшни, аёллар учун 55 ёшни ташкил этади. Дунёда ўртача пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил этади, айни вақтда бу кўрсаткич Ўзбекистонда 57,5 ёшдан иборатдир. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлари бўлган Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда пенсияга чиқиш ёши эркеклар учун 63 ёш, аёллар учун эса 58 ёш қилиб белгиланган. Туркменистонда эса пенсия ёши эркеклар учун 62 ёшни, аёллар учун эса 57 ёшни ташкил этади.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими айни пайтда 3,3 миллиондан ортиқ фуқарони ўз ичига олиб, мамлакат аҳолисининг тахминан 10 фоизини қамраб олади, улардан 103,1 минг киши (яъни 3,2%) ишлаётган пенсионерлардан иборат¹.

Фуқароларнинг ижтимоий суғурталаш тизимидаги узлуксиз иштирокини рағбатлантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, пенсионерларнинг моддий таъминланганлик даражасини ошириш, шунингдек, барқарор пенсия тизимига эришиш мақсадида, давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш заурати юзага келди. Жумладан, Ўзбекистонда талаб этиладиган минимал иш стажини босқичма-босқич ҳар йили 2019 йилдан бошлаб 10 йилгача ошириши, пенсия ёшини эса 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 6 ойга, аёллар учун 58 ёшгача ва эркеклар учун 63 ёшгача ошириб бориш тавсия этилди².

Пенсия ёшини оширишнинг сабабларидан бири мамлакат аҳолисининг ўртача яшаш ёши узайганлиги билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистонда ўртача яшаш ёши 2018 йилда 73,8 ёшдан иборат

бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ичида 1-ўринга эга бўлган. Айни вақтда умр узунлиги Тожикистонда 73,7 ёшни, Қозоғистонда 72,4 ёшни, Қирғизистонда 70,9 ёшни, Туркменистонда эса 70,4 ёшни ташкил этади. 2017 йилда Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси 70 млн кишини ташкил этди. Жаҳонда ўртача яшаш ёши узунлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Норвегияга тегишли бўлиб, унда бу кўрсаткич 82 ёшдан иборат бўлган. Ўртача умр узунлигининг ошиб бориши натижасида 60 ёшдан юқори бўлган аҳолининг умумий аҳолидаги улушининг ҳам ошиб боришига, бу эса меҳнатда банд бўлганлар учун боқимандаларнинг кўпайиб боришига олиб келади. Албатта, пенсия ёшининг ошиб бориши иш билан бандлик масалаларининг долзарблигини келтириб чиқаради. Бунинг учун энг долзарб масалалардан бири тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб боришдир.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий мезонидир. Чунки меҳнатда бандлик жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий меҳнат унумдорлиги ва турмуш даражасини оширишда асосий ўринга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таъкидлаш зарурки, жаҳонда кўзга кўринган хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Ж.Сей, А.Маршалл, Н.Кейнс, Фридман, Самуэльсон, Оукен, Филлипс, Ж.Перри, М.Федетайли, Р.Холл, У.Бевериж, Р.Солоу, Д.Стрейчи, А.Хансен, Д.Робинсон ва бошқалар, Ўзбекистонда А.Абдуганиев, Қ.Абдурахмонов, З.Худойбердиев, М.Мирзакаримова каби олимлар аҳолининг бандлиги ва ишсизлик муаммолари, ишсизликнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш масалаларини катта эътибор билан ўрганганлар.

Тадқиқотнинг мақсади. Аҳолининг меҳнатда бандлиги ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ёритиб бериш, шунингдек, аҳолининг самарали меҳнатда бандлигини таъминлашнинг стратегик йўналишлари бўйича таклифлар беришдан иборатдир.

Бандлик касбий маҳоратни оширишда мамлакат барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида баъзи мамлакатларда меҳнат ресурсларининг кўпайиб, баъзиларида камайиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Меҳнат ресурсларининг миқдорий ўзгариши бандлик масалалари долзарблигини келтириб чиқармоқда.

1820 йилда дунё аҳолиси 1 миллиард кишидан, 1960 йилга келиб эса 3 миллиард кишидан иборат

¹ <https://www.spot.uz/ru/2018/06/12/pensia/>

² https://podrobno.uz/cat/obchestvo/peresmotr-pensionnogo-/?sphrase_id=322649---10.07.2019

бўлган, 2019 йилда 7,7 миллиард кишига етди¹. Шундан Хитой аҳолиси 2017 йилда 1,4 миллиард², 2019 йилда Ҳиндистон аҳолиси 1,3 миллиард³ дан иборат бўлди. Шаҳарларнинг тезда кўпайиб бораётгани ҳам бандлик таркибига ўз таъсирини кўрсатади.

Демографик жараёнлар натижасида жаҳонда аҳоли сонининг кескин ошиб борганлиги, бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади. Аҳолининг самарали бандлиги таъминланган ҳолатда эса турмуш даражасини ошириш имкониятлари ошиб боради.

Аҳолининг меҳнатда бандлик ҳолатига демографик жараёнлар ўз таъсирини кўрсатар экан, Ўзбекистонда аҳолининг ўсиши юқоридир, айни вақтларда дунё миқёсида баъзи мамлакатларда, жумладан, Европа мамлакатларида аҳолининг кексайиши кузатилмоқда.

Мазкур мамлакатларда меҳнат ресурсларига нисбатан кекса аҳоли улуши ошиб бораётгани бандликка ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кекса аҳоли улуши кўпайишининг сабаблари:

1. Туғилишнинг камайиши, ёшларнинг қисқариши.

2. Умр кўриш ёшининг ошиб бориши.

Кекса аҳоли улушининг меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан ошиб боришининг оқибатлари:

1. Аҳолининг иқтисодий фаоллиги, меҳнат унумдорлигининг пасайиши.

2. Аҳоли ҳаракатчанлигининг пасайиши.

3. Пенсия жамғармаси маблағларини тўлайдиган меҳнатга лаёқатли аҳоли улушининг қисқариши.

4. Давлат ижтимоий хизматларига эҳтиёжларнинг ортиши.

Демографик вазият 2050 йилда дунё аҳолиси 9,3 миллиард бўлишини кўрсатмоқда. Бу даврда ҳар бир аёлга 2 нафардан фарзанд тўғри келади. Осиёда аёллар кўпайиши кутилмоқда. 15 ёшдан кичик ёшдагиларнинг ўсиши барқарор бўлиб қолади⁴.

БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилда дунё аҳолисининг ярмидан кўпи Осиёда, 25 фоизи

Африкада, 8,2 фоизи Лотин Америкасида, 7,4 фоизи Европада, 4,7 фоизи Шимолий Америкада яшаши кутилмоқда. XXI асрни бошидан буён аҳоли ўсишининг 97 фоизи ривожланаётган мамлакатлар яъни Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келмоқда⁵.

Ривожланган давлатларда эса меҳнатга лаёқатли ёшдагилар сони қисқариб боради. Мазкур мамлакатлардаги демографик жараёнлар кекса аҳоли улушининг кўпайишини иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилишини, натижада бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаришини кўрсатмоқда.

2017 йилда дунё миқёсида банд бўлганларнинг ўртача ёши 40 ёшдан иборат бўлган бўлса, 2030 йилга бориб 41 ёшга етади⁶.

Дунё миқёсида ишсизлик даражаси бирмунча барқарорлашган бўлса-да, муносиб меҳнат турлари ҳали ҳам етарлича эмаслиги намоён бўлмоқда. Бу эса дунё миқёсида янги иш жойларини яратиш жараёнини жадаллаштиришни, қўшимча чора-тадбирларни қўллашни талаб этади.

2017 йилда дунё миқёсида ишсизлик 192,7 млн кишини ташкил этгани ҳолда, 2016 йилга нисбатан 2,6 млн кишига кўпайган. 2017 йилда дунё миқёсида ишсизлик даражаси 5,6%дан иборат бўлди⁷.

Дунё миқёсида глобал муаммолардан бири шундаки, ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатларда яшаётган ишчиларнинг аксарияти норасмий бандлар тоифасига мансуб бўлиб, рўйхатдан ўтмаган фирмаларда фаолият олиб бормоқдалар. Мазкур иш жойларининг аксариятида меҳнат шароити талабларга жавоб бермайди, ишчилар ижтимоий суғурта қилинмаган.

Шунингдек, дунё миқёсида ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида ишчилар майда деҳқон хўжаликларида вақтинчалик, барқарор иш ҳақи мавжуд бўлмаган паст малакали меҳнат фаолияти билан банддирлар. Бунинг натижасида уларнинг аксарияти бир нечта иш жойларида банд бўлишга мажбурдирлар, шундай бўлса-да, уларнинг аксарияти топган маблағлари ўзи ва оиласи учун муносиб турмуш даражасини таъминлашга етмайди.

Дунё миқёсида бандлик бўйича долзарб муаммолардан бири норасмий меҳнатда бандлик оқимларининг кенгайиб бораётганлиги, шунингдек, банд бўлганларнинг аксарияти иш жойларини

¹ https://ru.wikipedia.org/wiki/Населения_Земли

² https://ru.wikipedia.org/wiki/Населения_Китая

³ https://countrymeters.info/ru/India#population_2019

⁴ Политика в сфере занятости в целях устойчивого восстановления и развития Международная конференция труда. 2014. www.ilo.org/publns. http://www.ilo.org/wemsp/5/groups/public/-/ed_norm/-/relconfdocuments/meetingdocument/wems_204976. Pdf 32-бет

⁵ https://ru.wikipedia.org/wiki/Население_Земли

⁶ https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_616001/lang--ru/index.htm

⁷ <https://russian.rt.com/world/news/473300-mirovaya-bezrabotica>

етишмаслиги сабабли қисқартирилган иш кунда, nobарқарор иш жойларида банд бўлаётганлигидир. 2017 йилда дунё миқёсида банд бўлганлардан 1,4 миллиард киши барқарор бўлмаган иш жойларида банд бўлган, 2019 йилда уларнинг сони яна 35 миллион кишига кўпайиши кутилмоқда. Ривожланаётган мамлакатлардаги ишчиларнинг тўртдан уч қисми барқарор бўлмаган иш жойларида банд бўлган. Ривожланаётган мамлакатларда «банд бўлган камбағаллар» улушининг қисқариши меҳнат ресурсларининг ўсишига нисбатан секинлик билан бормоқда¹. Ривожланаётган давлатларда аёллар эса паст иш ҳақига ишлашга мажбур бўлмоқдалар. 2017 йилда дунё бўйича 300 млн киши кунига 1,9 доллар иш ҳақи эвазига меҳнат қилишига тўғри келган².

Аҳолининг меҳнатда бандлик даражасига куйидаги омиллар таъсир этади:

- демографик жараёнлар;
- глобализация;
- урбанизация;
- техника тараққиёти;
- макроиқтисодий инқирозлар ва иқтисодий пасайишлар.

Бандликнинг ўзи 2 гуруҳга бўлинади:

1) анъанавий бандлик, яъни тўла иш ҳафтасида доимий бандлар;

2) ноанъанавий (эгиловчан) бандлик.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида меҳнат ресурслари бандлигининг янги шакл ва усуллари келтириб чиқарди. Эгиловчан бандлик ёлланма ишчи кучи таркибининг ўзгариш тенденциясини ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. У меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлиб, шунингдек, яна бир қатор элементларни ўз ичига олади (1-расм):

- функционал эгиловчанлик (кенг миқёсдаги мутахассисликка эга бўлган ишчиларнинг ўрин алмашиб ишлаши);
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгиловчан тизимлари;
- масофавий эгиловчанлик (кичик тизимларда субконтракт тизими асосида ишлаш).

Иқтисодиётда бандликни жамият аъзолари манфаатларига мос келиши даражасига қараб куйидаги турларга ажратиш мумкин:

– **оқилона меҳнатда бандлик** – айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар, жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бандлигини таъминлаган

ҳолда, жамиятни иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланишини таъминлашга эришиш;

– **самарали меҳнатда бандлик** – даромад келтира оладиган ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлиш ва иш жойларини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишини таъминлайдиган бандлик;

– **маҳсулдор меҳнатда бандлик** – ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти, инновацияларни татбиқ этган ҳолда, ходимлар малакасини оширишни таъминлаб, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришилган ҳолдаги меҳнатда бандлик.

Мақбул танланган меҳнатда бандлик – меҳнат ресурсларини тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тўғри жойлаштиришдир.

Мамлакатларнинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиши фақат меҳнат ресурсларининг бандлиги билан ифодаланмайди, балки унинг таркибий тизимига тармоқлар ва соҳаларда қандай бандлиги, шунингдек, самарали бандликнинг таъминланганлиги билан ҳам ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги соҳасининг таҳлили шуни кўрсатадики:

– мустақилликкача бўлган даврда ишловчиларнинг асосан кўпчилик қисми ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги меҳнат билан бандлик етарли даражада бўлмаган;

– қишлоқ хўжалигидаги иш билан бандлик даражаси ҳам юқори бўлиб келган.

Ўзбекистонда мустақилликкача бўлган даврларда қишлоқларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд эди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилиши долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 2017 йилда 32,1 млн кишини ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 11,5 млн кишига, яъни 55,9 фоизга ўсган³. 2017 йилда туғилганлар 715,5 мингга ташкил этгани ҳолда, ҳар 1000 аҳолига туғилиш коэффициенти 22,1 промиллидан, табиий ўсиш коэффици-

¹ https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_616001/lang--ru/index.htm

² <https://tass.ru/ekonomika/4894041>

³ <https://stat.uz/uploads/docs/demografiya-yan-dek-2017-ru-.pdf>

⁴ Ўша манба.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси тўғрисида маълумот (минг киши)¹.

	1991 й.		2017 й.		2017 йилнинг 1991 йилга нисбатан фарқи	
	сони	улуши, %	Сони	улуши, %	+, -	%
Жами аҳоли сони	20607,7	100,0	32120,5	100,0	11512,8	155,9
Шу жумладан:						
Эркаклар	10188,0	49,4	16121,0	50,2	5933,0	158,2
Аёллар	10419,7	50,6	15999,5	49,8	5579,8	153,6

центи 17,1 промиллидан иборат бўлган. 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида шаҳар аҳолиси 50,6 фоизни, қишлоқ аҳолиси 49,4 фоизни ташкил этди¹ (1-жадвал).

1991 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар (0-15 ёшдагилар) улуши 43,1 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар (эркаклар 16-59 ёш, аёллар 16-54 ёш) 49,1 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар (эркаклар 60 ёш ва ундан катта, аёллар 55 ёш ва ундан катта) 7,8 фоизни ташкил этган. 2017 йилда мазкур кўрсаткичлар мос равишда 30,1 фоиз, 60,5 фоиз ва 9,4 фоизни ташкил этган². 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари 18666,3 мингдан иборат бўлди³. Ишсизликнинг олдини олиш ва ушбу тоифадаги шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида барча иш берувчиларга бўш иш ўринлари ва бўшатилиши мўлжалланган ходимлар ҳақидаги маълумотларни икки ойдан кечиктирмасдан маҳаллий меҳнат органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони эълон қилинди. Хусусан, мазкур Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг 4-устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш каби масалаларга

қаратилган. Меҳнат ресурсларининг банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Ҳаракатлар Стратегиясига асосан Вилоят ва туманлараро «Бандлик» дастурлари ишлаб чиқилиб, бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш жараёнлари бозор ислохотлари билан биргаликда қўшиб олиб борилгани ҳолда янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоқ жойларига киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб ташкил этиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис кишилар учун мақбул ва юқори даромад олишни таъминлайдиган ҳамда оқилона, самарали иш билан бандлигини таъминлашга қодир бўлган иқтисодиёт таркиби шакллантирилди. Меҳнат ресурсларининг бандлиги аҳолининг муҳим ижтимоий-иқтисодий тавсифи ҳисобланади.

Аҳолининг бандлик даражаси ва даромадлари, унинг турмуш даражасини ошириш, шунингдек, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни янада тўлароқ қондириш бўйича республикаimiz ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майда «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5052-сон фармони қабул қилинган бўлиб, бандлик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда янгича ёндашувларни жорий этиш, давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорликка асосланган ҳолда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, ишсиз аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштиришда самарали чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган. Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб касб-ҳунар коллеж-

¹ Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплами. - Т., 2018.

² <https://stat.uz/uploads/docs/demografiya-yan-dek-2017-ru-.pdf>

³ Ўзбекистон рақамларда 2018.

2-жадвал. МДҲ давлатларида бандлик ва ишсизлик ҳолати.

Мамлакатлар	Иқтисодий фаол аҳоли, млн. киши		Иқтисодиётда бандлар		Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан бандлар (фоизда)		Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан ишсизлар (фоизда)	
	2014	2017	2014	2017	2014	2017	2014	2017
Ўзбекистон	13,5	14,4	12,8	13,5	94,9	94,2	5,1	5,8
Озарбайжон	4,8	5,1	4,6	4,8	95,1	95,0	4,9	5,0
Арманистон	1,4	1,2	1,1	1,0	82,4	82,2	17,6	17,8
Беларусия	4,6	4,4	4,6	4,4	99,5	99,2	0,5	0,8
Қозоғистон	9,0	9,0	8,5	8,6	95,0	95,1	5,0	4,9
Қирғизистон	2,5	2,5	2,3	2,4	92,0	92,7	8,0	7,3
Молдова	1,2	1,3	1,2	1,2	96,0	95,9	3,9	4,1
Россия	75,4	76,3	71,5	72,3	94,8	94,8	5,2	5,2
Украина	19,9	17,9	18,1	16,2	90,7	90,5	9,3	9,5

лари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг биринчи маротаба ишга жойлашган битирувчилари, агар улар таълим муассасасини тамомлаган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, ишга жойлашганидан кейин биринчи йил давомида иш ҳақидан олинандиган даромадлари бўйича ягона ижтимоий тўловнинг ўрнатилган ставкасини 50 фоизга, уларнинг иккинчи ва учинчи йил давридаги иш фаолияти бўйича 25 фоизга камайтириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилди, унинг асосий вазифаси вақтинчалик банд бўлмаган аҳолининг йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, йўл ва уй-жой коммунал инфратузилмаси объектларини қуришда, таъмирлаш ва реконструкция қилишда, шаҳар ва туманларни ободонлаштиришда, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этишини молиялаштириш ҳисобланади.

Тадбиркорликни, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш асосида бандликни таъминлаш учун молия ресурсларини тақдим этиш, аҳолининг кенг қатламларига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда микромолиялаштириш хизматларидан фойдаланишнинг қулай имкониятлари яратилиб, кичик бизнес, касаначилик, яқка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш асосида бандликни таъминлаш учун молия ресурслари тақдим этилмоқда. Ўзбекистонда аҳолини хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесга жалб этиш, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларидан оқилона

фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2017 йилда иқтисодиётда банд бўлганлар 13520,3 мингдан иборат бўлган.

Ўзбекистонда 2017 йилда иқтисодиётда банд бўлганлардан 82,7%и нодавлат секторида, 17,3%и давлат секторида фаолият юритди¹. 2017 йилда иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлардан 13,5 фоизи саноатда, 27,2 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 9,5 фоизи қурилишда, 4,8 фоизи ташиш ва сақлашда, 11,0 фоизи савдода, 2,3 фоизи яшаш ва овқатланиш хизматларида, 0,5 фоизи ахборот ва алоқа хизматларида, 8,2 фоизи таълим, 4,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда, 4,5 фоизи санъат ва кўнгиш очишда, 17,5 фоизи бошқа фаолият турларида ўз фаолиятларини олиб боришди².


Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий, демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда касаначилик ва оилавий тадбиркорлик каби аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари фаол ривожлантириб бормоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилмоқда: қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1990-йилларнинг бошида мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан

¹ Ўзбекистон рақамларда. Йиллик статистик тўплам. Т., 2018.

² Ўша манба.

³ Ўзбекистон рақамларда. Йиллик статистик тўплам. Т., 2018 ва www.stat.uz. маълумотлари асосида.

1-расм. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони¹.

банд бўлганларнинг 40%ини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 27,2 фоизгача қисқарди¹.

Глобаллашув жараёни меҳнат характери ҳам ўзгартириб бормоқда. Дунё миқёсида яратилаётган иш жойларида хусусий сектор алоҳида ўринга эга бўлиб, 10 та яратилаётган иш жойининг 9 таси хусусий сектор улушига тўғри келмоқда².

Аҳолининг самарали бандлигини оширишнинг муҳим йўналиши иқтисодиётда инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар 68423,9 миллиард сўми, 17146,5 миллиард сўм (доллар эквивалентида 3348,2 млн АҚШ доллари) асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган. Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМдаги улуши 2017 йилда 6,7 фоизни ташкил этган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 12768,6 миллиард сўми (доллар эквивалентида 2493,3 млн АҚШ доллари) ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 44,9%га кўпайди ва жами инвестициялардаги улуши 18,7 % ни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий ҳамкорлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. 2016 йилда Ўзбекистон-Туркия ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатимизда Туркиянинг 500 га яқин фирма ва компанияси фаолият юритмоқда. 2017 йилда Ўзбе-

кистонда Туркия сармояси иштирокида 20 дан ортиқ корхона ташкил этилди, 53 компаниянинг ваколатхоналари аккредитация қилинди³.

Ўзбекистонда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида минерал ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам зарурий меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган, институционал ўзгартиришлар амалга оширилган.


2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий тармоқлардаги улуши экспортда 27% (2016 йилда 26%), саноатда 39,6% (45,3%), хизматларда 58,4% (61,4%), қурилишда 65,1% (66,9%), бандликда 78,3% (78,2%)

¹ Ўзбекистон рақамларда. Йиллик статистик тўплам. Т., 2018.

² www.undp.uz.

³ <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-turkiya-amkorlikning-yangi-bos-ichi--26-10-2017>

2-расм. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилда жалб қилинган инвесторлар бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар (жамига нисбатан % да)¹.



¹ www.stat.uz

ташкил этди¹. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИИМдаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИИМдаги улуши 53,3 фоизни ташкил қилди². Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила - тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сон қарорига кўра мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Мазкур дастурга кўра касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имконияти яратилмоқда.

Республиканинг қишлоқ ва маҳаллаларининг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш мини-кластерлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлаш масаласи ҳал этилар экан, унда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

¹ <https://stat.uz/uploads/docs/maliy-biznes-yan-dek-2017-uz.pdf>

² Ўзбекистон рақамларда. Йиллик статистик тўплам. Т., 2018.

– оилаларнинг тадбиркорлик ғояси ва кўникмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлигини аниқлаш;

– ҳовли ва кўп қаватли хонадонларда яшовчи ҳар бир оиланинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятлари таҳлил қилинмоқда, яшаш ҳудудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар берилмоқда;

– тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истагида бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар:

– энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда бўлгани ҳолда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

– энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда бўлгани ҳолда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

– энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда – тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади. Ўзбекистон Республикасида микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi фоиз ставкаси берилаётгани аҳолининг меҳнатда бандлиги муаммолари ҳал этилишига ўзининг амалий ёрдамини бермоқда.

Республикамизнинг қишлоқ туманларида сартарошхона, якка тартибдаги буюртмалар бўйича кийим тикиш, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни, шунингдек, жамоат ҳаммомларини ташкил этган якка тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилган.

Хулоса ва таклифлар. Глобаллашув шароитида дунё миқёсида аҳолининг самарали бандлигини юзага келтириш масалаларини ҳал қилиш, замонавий бандлик сиёсатини меҳнат бозорининг

ривожланиши билан мувофиқ ҳолда бўлиши долзарб масалалардан экан ва унда қуйидагиларни амалга ошириш зарурдир:

- меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш, ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш;

- меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлаб қолиш;

- бандликнинг «уйдан чиқмасдан» компьютер технологиялари ва тегишли алоқа воситаларига асосланган иш ўрнига эга бўлиш борасидаги улуши, яъни эгилувчан бандликнинг ортиши зарур;

- янги ишчи ўринларни яратиш ва мавжуд иш жойларининг самарадорлигини ошириш;

- ёшларни меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш;

- гендер тенгликка риоя этилиши, банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида бозор муносабатлари шароитларига мос келадиган истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш;

- ишсиз аҳоли, ёшлар, авваламбор касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, аҳоли ва иш берувчилар учун меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;

- Меҳнат бозорига биринчи кириб келаётган ёшларнинг, шахсий бизнесини ташкил этишни хоҳловчилар, тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишини рағбатлантириш ва кўмаклашиш;

- меҳнат ресурслари ўсиши юқори бўлган давлатларда банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислик ва йўналишлар бўйича ўқитишни янада кенг йўлга қўйиш;

- биринчи марта меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва уларни оилавий тадбиркорликка ва ҳунармандчиликка жалб этиш ҳамда ўзини ўзи банд қилишнинг турли шакллари ривожлантириш;

- юқори технология ва илмталаб ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш асосида

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг устуворлигини таъминлаш;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кенгайтириш ва кучайтириш. Чунки истиқболда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожлантирилиши ҳар бир мамлакатда, шу жумладан, қишлоқ жойларида кўплаб янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилига айланиши лозим. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оқилона бандликни таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:

1. Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш. Меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни республикамиз минтақалари кесимида чуқур таҳлил қилган ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш.

2. Аҳолини жамоат ишларига, биринчи навбатда, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, йўл ва уй-жой коммунал инфратузилмасини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шаҳарлар ва туманларни ободонлаштириш, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этишга жалб этиш.

3. Академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш механизмлари, янги интерактив хизматларни жорий этган ҳолда, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликларга мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

4. Ишга жойлаштириш жараёнига илғор ахборот технологияларини фаол жорий этиш, Миллий вакансиялар базасини яратиб ва доимий ривожлантириб бориш. Бунинг учун аҳоли ва иш берувчилар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазаси масалалари бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини йўлга қўйиш.

5. Республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини ривожлантириб, иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш, модернизациялаш жараёнини янада ривожлантириш.

6. Замонавий технологиялар асосида пахта толаси ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур

қайта ишлаш, ташқи ва ички бозорларда талаб юқори бўлган тайёр экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажмини оширишга алоҳида эътибор қаратиш. Саноатда бандликни ривожлантириш, бу орқали ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини оширишга эришиш, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни узлуксиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни

жадал ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш.

7. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни, аҳолини ўзини ўзи банд қилишининг турли шаклларини ривожлантиришни рағбатлантиш.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш, мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам беришни кенг йўлга қўйиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2010. –80-б.

3. Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. - Т.: «Ўзбекистон», 2016.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.

6. Ўзбекистон рақамларда. Йиллик статистик тўплам. Т., 2018.

7. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантиришнинг йўналишлари. - Т.: «Иқтисодиёт», 2014.

8. Толаметова З.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. - Т.: «Фан ва технология», 2017.

9. www.world.bank.org